



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“24” август 2021 й. № 02-06/4072

**Оммавий ахборот воситалари,
Telegram мессенжери каналлари,
“.Uz” домени ҳудудида
рўйхатдан ўтган веб-сайтлар,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан реклама ахборотларини тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда интернет ва ижтимоий тармоқларда ҳеч қандай жисмоний куч сарфламасдан ва турли хил қийин парҳезларсиз шунчаки “СЕҲРЛИ” таблеткалар ёрдамида ортиқча вазндан тез ва осон халос бўлиш усуллари тўғрисида жозибадор рекламалар сони ортиб бормоқда.

Одатда, ушбу препаратлари хусусияти тўғрисида ёрқин реклама орқали ғайритабiiй ваъдалар берилмоқда, ваҳоланки бу даъволарнинг аксарияти клиник тадқиқотлар томонидан қўллаб-қувватланмаган.

Дарҳақиқат, вазн йўқотишга ёрдам берувчи таблеткалар инсон соғлиғига хавф солиши мумкин. Диета маҳсулотлари билан боғлиқ хавф-хатарларга қарамай, ушбу турдаги озиқ-овқат кўшимчаларига бўлган талаб кун сайин ўсиб бормоқда, айниқса овқатланиш тузилмасида баланснинг ҳар қандай бузилиши мавжуд бўлган одамлар орасида.

Бундан ташқари, оздирувчи препаратлар рекламаларида **“супер тез озиш”, “озишнинг энг осон йўли”, “тўғри озиш”, “зарарсиз озиш”, “осон озиш”, “хавфсиз озиш”, “икки баробар тез озиш”, “жуда осон озиш сири”, “7 кунда озиш”,** дея маҳсулотнинг хусусиятлари бўрттириб кўрсатилганлиги, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган ҳолатларга олиб келиш мумкин.

Ҳозирги кунда ижтимоий тармоқларда ҳар қандай соҳага оид саҳифалар ва каналларни фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, айнан ортиқча вазндан халос бўлишни истовчилар учун ҳам саҳифалар ва каналлар мавжуд. Бироқ ижтимоий тармоқлар орқали савдоси ривожланган оздирувчи (волшебная сила) дея реклама қилинаётган

препаратларнинг аксарияти инсон саломатлигига ножўя таъсири етарлича илмий ва клиник исботланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қўлланиши ва реализация қилиниши юзасидан тегишли давлат органлари махсус рухсатнома бермай туриб косметика воситалари, маиший кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, витаминли ва биологик жихатдан таъсирчан озиқ-овқат қўшимчаларини реклама қилиш тақиқланади. Таркибида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари бўлган дори воситаларини реклама қилиш ҳам тақиқланади.

Оздирувчи препаратларнинг аксариятида таркиби, келиб чиқиши, тайёрланиши, ишлаб чиқарувчиси, сақлаш шартлари, қўллаш усули, ножўя таъсири ва бошқалар тўғрисида тўлиқ маълумот ёзилмаган.

Шу сабабли истеъмолчилар нотўғри маълумотларга дуч келишади ва ўзлари билмаган ҳолда хавфли маҳсулотни сотиб олишлари мумкин.

Бу тўғридан-тўғри “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бир қатор моддаларини бузиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик тамойилларига қатъий амал қилишлари, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмаслик сўралади.

Директор ўринбосари



А.Қурбонов